

ТИРИК ШАХСЛАРДА ОҒИР ТАН ЖАРОҲАТИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Саттаров Абдисалим Абсаламович - Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Тошкент вилояти филиали, суд-тиббий эксперт



Лочинов Фарход Назарович - Тошкент тиббиёт академияси “Суд тиббиёти ва тиббиёт ҳуқуқи” кафедраси катта ўқитувчиси, тиббиёт фанлари номзоди



Холиёров Наврузжон - Тошкент тиббиёт академияси “Суд тиббиёти ва тиббиёт ҳуқуқи” кафедраси ассистенти



Аннотация: Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Тошкент вилоят филиали Қибрай туман бўлинмасида 2020-2021-2022 йилларда оғир даражали тан жароҳатлари аниқлаш бўйича ўтказилган эксперт хулосалари ўрганилди ва статистик кўрсаткичлар таҳлил қилинди.

Калит сўзлар: Оғир даражали, тан жароҳати, тирик шахслар.


Мавзуни долзарблиги. Ўзбекистон Республикасида қонун устуворлиги мамлакатнинг ривожланишидаги асосий тамойиллардан бири сифатида эътироф қилинган. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари иш фаолиятида гап инсоннинг соғлиги, ҳаёти ва ўлими устида борган ҳолларда, оғир жиноятлар, масалан, одам ўлдириш, номусга тегиш, қасддан тан жароҳати етказиш, йўл-транспорт ҳодисалари содир этилганда, тан жароҳати мавжудлиги, жойлашган ўрни, ҳосил бўлиш механизми, муддати, оғирлик даражаси каби саволларнинг ҳал этиш учун суд-тиббий экспертизасини ўтказилиши муҳим аҳамиятга эга.

Суд-тиббий экспертиза хизмати соғлиқни сақлаш муассасалари қаторига киргани ҳолда, жиноий ва фуқаро ишларини суриштириш, тергов қилиш ва судда кўриш жараёнида вужудга келадиган тиббий-биологик масалаларни ҳал этиш, яъни суд-тиббий экспертизаларни ўтказиш унинг асосий вазифаси ҳисобланади. Айни пайтда суд-тиббий экспертиза муассасалари экспертиза материаллари бўйича аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, травматизмнинг турли кўринишлари, захарланиш, тўсатдан ўлим ва бошқа бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида тавсиялар ишлаб чиқиши муҳим аҳамият касб этади.

Тан жароҳати тушунчаси жиноят ҳуқуқида қасддан ёки эҳтиётсизлик

орқасида содир этилган ғайриқонуний ҳаракатлар натижасида соғлиққа етказилган зиённи англатади. Шундан келиб чиққан ҳолда суд тиббиётида соғлиқнинг бузилиши ёки ўлимга олиб келган бирон-бир ташқи таъсир натижасидаги организм аъзо ва тўқималарининг анатомик бутунлиги ёки физиологик функциясининг бузилиши тан жароҳати деб баҳоланади. [1, 2, 3, 4, 5].

Суд-тиббий экспертиза амалиётида умуман, айниқса мурда ва тирик шахсларнинг экспертизасида механик жароҳатлар етакчи ўринни эгаллайди. Сўнгги йилларда ўлим сабаблари структурасида механик жароҳатлар юрак-қон томир ва онкологик касалликлардан кейин туради. Жаҳоннинг барча мамлакатларида сўнгги даврда шикастланишларнинг кўпайиши ва уларнинг таркибида мураккаб жароҳатларнинг етказилиши билан боғлиқ ҳолатлар улушининг ортаётгани кузатилмоқда [6, 7, 8, 9, 10, 11, 12].



Статистик маълумотларга кўра, республикамизда 2022 йилда тирик шахсларга оид экспертизаларнинг 179585 таси тан жароҳати бўйича ўтказилган. Тан жароҳати бўйича ўтказилган экспертизалардан 11409 та ҳолатда оғир тан жароҳати, 13726 та ҳолатда ўртача оғир тан жароҳати, 23149 та ҳолатда соғлиқнинг қисқа муддатга бузилиши билан енгил тан жароҳати, 97290 та ҳолатда енгил тан жароҳатлари аниқланган. 28002 та ҳолатда тан жароҳати аниқланмаган. 226 та ҳолатда тан жароҳатининг оғирлик даражаси аниқланмаган.

Тадқиқотнинг мақсади. Суд-тиббий экспертиза материаллари бўйича тирик шахсларга оид ўтказилган экспертизалар бўйича оғир даражали тан жароҳатлари аниқланган ҳолатларнинг ўрганиш ва статистик таҳлил қилиш йўли билан унга суд-тиббий баҳо бериш.

Текширув натижалари ва муҳокамаси. Республика суд-тиббий

экспертиза илмий-амалий маркази Тошкент вилоят филиали Қибрай туман бўлинимасида 2020-2021-2022 йилларда оғир даражали тан жароҳатлари аниқлаш бўйича ўтказилган эксперт хулосалари ўрганилди ва статистик кўрсаткичлар таҳлил қилинди.

2020 йил давомида жами 993 та тирик шахсларга оид суд-тиббий экспертизалар ўтказилган. Жами ўтказилган экспертизалар орасида 973 таси (98,0%) тан жароҳати бўйича, шундан 71 таси (7,3%) оғир даражали тан жароҳатлар эканлиги қайд этилган. Жумладан, оғир даражали тан жароҳатларининг 24 таси (33,8%) ҳаёт учун хавф белгисига ва 47 таси (66,2%) умумий меҳнат қобилиятининг ўттиз уч фоизидан ортиғини турғун йўқотиш белгисига асосан аниқланган. Улардан 58 таси (81,7%) ўтмас жисмлар, 13 таси ўткир (18,3%) жисмлар таъсирда етказилган. Ўқ отар қуроллардан оғир даражали тан жароҳатлари етказилганлиги қайд этилмаган. Жароҳатларнинг 41 таси (57,7%) транспорт травмаси, 3 таси (4,2%) ишлаб чиқариш травмаси, 19 таси (26,8%) маиший ва 8 таси (11,3%) кўчада олинган травмалар ташкил этган. Тан жароҳатларининг жойлашган соҳалари ўрганилганда: 28 та ҳолатда (39,4%) калла-мия жароҳати; 10 та ҳолатда (14,1%) кўкрак қафаси аъзолари жароҳати, 12 та ҳолатда (16,9%) қорин аъзолари жароҳати, 3 та ҳолатда (4,2%) тос аъзолари жароҳати ва 18 та ҳолатда (25,4%) қўл-оёқ суяклари жароҳати эканлиги аниқланган. Оғир даражали тан жароҳатлари 61 та ҳолатда (85,9%) эркакларда, 10 та ҳолатда (14,1%) аёлларда аниқланган. Ёши бўйича таҳлил қилганда: 0-7 ёшгача 3 та (4,2%), 7-12 ёшгача 4 та (5,6%), 12-18 ёшгача 4 та (5,6%) 18-30 ёшгача 15 та (21,1%), 30-40 ёшгача 17 та (23,9%) 40-50 ёшгача 16 та (22,5%) 50-60 ёшгача 11 та (15,6%) ва 60 ёшдан юқори 1 та (1,5%) ҳолат аниқланган. Йил фасллари бўйича таҳлил қилинганда - қишда 24 та (33,8%), баҳорда 16 та (22,5%), ёзда 12 та (16,9%) ва кузда 19 та (26,8%) жароҳат олганлиги кузатишган.

2021 йил давомида жами 1294 та тирик шахсларга оид суд-тиббий экспертизалар ўтказилган. Жами ўтказилган экспертизалар орасида 1259 таси (97,3%) тан жароҳати бўйича, шундан 100 таси (7,9%) оғир даражали тан жароҳатлар эканлиги қайд этилган. Жумладан, оғир даражали тан жароҳатларининг 24 таси (24,0%) ҳаёт учун хавф белгисига ва 76 таси (76,0%) умумий меҳнат қобилиятининг ўттиз уч фоизидан ортиғини турғун йўқотиш белгисига асосан аниқланган. Улардан 92 таси (92,0%) ўтмас жисмлар, 8 таси (8,0%) ўткир жисмлар таъсирда етказилган. Ўқ отар қуроллардан оғир даражали тан жароҳатлари етказилганлиги қайд этилмаган. Жароҳатларнинг 41 таси (41,0%) транспорт травмаси, 6 таси (6,0%) ишлаб чиқариш травмаси, 18 таси (18,0%) маиший ва 35 таси кўчада (35,0%) олинган травмалар ташкил этган. Тан жароҳатларининг жойлашган соҳалари ўрганилганда: 38 та ҳолатда (38,0%) калла-мия жароҳати; 15 та ҳолатда (15,0%) кўкрак қафаси аъзолари жароҳати, 12 та ҳолатда (12,0%) қорин аъзолари жароҳати, 6 та ҳолатда (6,0%) тос аъзолари жароҳати ва 29 та ҳолатда (29,0%) қўл-оёқ суяклари жароҳати эканлиги аниқланган. Оғир даражали тан жароҳатлари 72 та ҳолатда (72,0%) эркакларда, 28 та ҳолатда (28,0%) аёлларда аниқланган. Ёши бўйича таҳлил қилганда: 0-7 ёшгача 3 та (3,0%), 7-12 ёшгача 4 та (4,0%), 12-18 ёшгача 7 та (7,0%) 18-30 ёшгача 22 та (22,0%), 30-40 ёшгача 29 та (29,0%) 40-50 ёшгача 18 та (18,0%) 50-60 ёшгача 12

та (12,0%) ва 60 ёшдан юқори 5 та (5,0%) ҳолат аниқланган. Йил фасллари бўйича таҳлил қилинганда - қишда 29 та (29,0%), баҳорда 18 та (18,0%), ёзда 32 та (32,0%) ва кузда 21 та (21,0%) жароҳат олганлиги кузатишган.

2022 йил давомида жами 1083 та тирик шахсларга оид суд-тиббий экспертизалар ўтказилган. Жами ўтказилган экспертизалар орасида 1052 таси (97,1 %) тан жароҳати бўйича, шундан 101 таси (9,6%) оғир даражали тан жароҳатлар эканлиги қайд этилган. Жумладан, оғир даражали тан жароҳатларининг 37 таси (36,6%) ҳаёт учун хавф белгисига ва 64 таси (63,4%) умумий меҳнат қобилиятининг ўттиз уч фоизидан ортиғини турғун йўқотиш белгисига асосан аниқланган. Улардан 91 таси (90,1%) ўтмас жисмлар, 10 таси ўткир (9,9%) жисмлар таъсирда етказилган. Ўқ отар қуроллардан оғир даражали тан жароҳатлари етказилганлиги қайд этилмаган. Жароҳатларнинг 56 таси (55,4%) транспорт травмаси, 7 таси (6,9%) ишлаб чиқариш травмаси, 20 таси (19,8%) маиший ва 18 таси (17,9%) кўчада олинган травмалар ташкил этган. Тан жароҳатларининг жойлашган соҳалари ўрганилганда: 37 та ҳолатда (36,6%) калла-мия жароҳати; 17 та ҳолатда (16,8%) кўкрак қафаси аъзолари жароҳати, 10 та ҳолатда (9,9%) қорин аъзолари жароҳати, 9 та ҳолатда (8,9%) тос аъзолари жароҳати ва 28 та ҳолатда (27,7%) қўл-оёқ суяклари жароҳати эканлиги аниқланган. Оғир даражали тан жароҳатлари 74 та ҳолатда (73,3%) эркакларда, 27 та ҳолатда (26,7%) аёлларда аниқланган. Ёши бўйича таҳлил қилганда: 0-7 ёшгача 4 та (4,0%), 7-12 ёшгача 7 та (6,9%), 12-18 ёшгача 8 та (7,9%) 18-30 ёшгача 31 та (30,7%), 30-40 ёшгача 23 та (22,7%) 40-50 ёшгача 12 та (11,9%) 50-60 ёшгача 11 та (10,9%) ва 60 ёшдан юқори 5 та (5,0%) ҳолат аниқланган. Йил фасллари бўйича таҳлил қилинганда - қишда 34 та (33,7%), баҳорда 18 та (17,8%), ёзда 21 та (20,8%) ва кузда 28 та (27,7%) жароҳат олганлиги кузатишган.

Таҳлил натижаларига кўра, охириги 3 йил давомида жами 3370 та тирик шахсларга оид суд-тиббий экспертизалар ўтказилган. Жами ўтказилган экспертизалар орасида 3284 таси (97,4%) тан жароҳати бўйича, шундан 272 таси (8,3%) оғир даражали тан жароҳатлар эканлиги қайд этилган. Жумладан, оғир даражали тан жароҳатларининг 85 таси (31,3%) ҳаёт учун хавф белгисига ва 187 таси (68,0%) умумий меҳнат қобилиятининг ўттиз уч фоизидан ортиғини турғун йўқотиш белгисига асосан аниқланган. Улардан 241 таси (88,6%) ўтмас жисмлар, 31 таси ўткир (11,4%) жисмлар таъсирда етказилган. Ўқ отар қуроллардан оғир даражали тан жароҳатлари етказилганлиги қайд этилмаган. Жароҳатларнинг 138 таси (50,7%) транспорт травмаси, 16 таси (5,9%) ишлаб чиқариш травмаси, 57 таси (21,0%) маиший ва 61 таси кўчада (22,4%) олинган травмалар ташкил этган. Тан жароҳатларининг жойлашган соҳалари ўрганилганда: 103 та ҳолатда (37,8%) калла-мия жароҳати; 42 та ҳолатда (15,4%) кўкрак қафаси аъзолари жароҳати, 34 та ҳолатда (12,5%) қорин аъзолари жароҳати, 18 та ҳолатда (6,7%) тос аъзолари жароҳати ва 75 та ҳолатда (27,6%) қўл-оёқ суяклари жароҳати эканлиги аниқланган. Оғир даражали тан жароҳатлари 207 та ҳолатда (76,1%) эркакларда, 65 та ҳолатда (23,9%) аёлларда аниқланган. Ёши бўйича таҳлил қилганда: 0-7 ёшгача 10 та (3,7%), 7-12 ёшгача 15 та (5,5%), 12-18 ёшгача 19 та (7,0%) 18-30 ёшгача 68 та (25,0%), 30-40 ёшгача 69 та (25,4%) 40-50 ёшгача 46 та (16,9%) 50-60 ёшгача 34 та (12,5%) ва 60 ёшдан юқори 11 та (4,0%) ҳолат аниқланган. Йил фасллари

бўйича таҳлил қилинганда - қишда 87 та (32,0%), баҳорда 52 та (19,1%), ёзда 65 та (23,9%) ва кузда 68 та (25,0%) жароҳат олганлиги кузатилган.

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб, тирик шахсларга оид тайинланган жами суд-тиббий экспертизаларнинг 97,4 фоизи тан жароҳатлари бўйича, шундан 8,3 фоизи оғир даражали тан жароҳатлар юзасидан ўтказилганлиги қайд этилди. Жумладан, оғир даражали тан жароҳатларининг 31,3 фоизи ҳаёт учун хавф белгисига ва 68,0 фоизи умумий меҳнат қobiliятининг ўттиз уч фоизидан ортиғини турғун йўқотиш белгисига асосан аниқланган. Улардан 88,6% фоизи ўтмас жисмлар ва 11,4 фоизи ўткир жисмлар таъсирда етказилган. Ўқ отар қуроллардан оғир даражали тан жароҳатлари етказилганлиги қайд этилмаган. Жароҳатларнинг кўп қисмини транспорт травмаси ташкил этган. Тан жароҳатларининг жойлашган соҳалари ўрганилганда асосан 37,8% ҳолатда калла-мия жароҳати эканлиги, 76,1% ҳолатда эркалар ҳамда 18-30 (25,0%) ва 30-40 ёш оралиғидаги шахслар, асосан қиш (32,0%) ва баҳор (19,1%) фаслларида кўпроқ жароҳатланганлиги аниқланди.

Хулоса. Юқоридагилардан келиб чиқиб, оғир тан жароҳатларининг олиш билан боғлиқ нохуш ҳолатларини олдини олиш мақсадида, ушбу ҳолатларни вужудга келишида аҳамиятли бўлган омилларни ўрганиш ва уларни бартараф қилишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда травматизмнинг турли кўринишлари бўйича маҳаллаларда, ишлаб чиқариш корхоналарида, мактаблар, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида мунтазам тарзда кенг тушунтириш ишларини олиб боришда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари билан бир қаторда тиббиёт ходимларининг ҳам иштироки муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. Т.: “Адолат”, 2008 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси “Суд экспертиза тўғрисида” ги қонуни. 2010 йил 1 июн.
3. “Суд-тиббий экспертиза муассасаларида суд тиббиёт экспертизаларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома”. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 227-сонли буйруғи. 2011 йил 25 июл.
4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Тан жароҳатларининг оғирлик даражасини аниқлаш қоидалари” тўғрисидаги 153-сонли буйруғига 2-илова. 2012 йил 01 июн.
5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Суд-тиббий экспертиза текширувларининг ўтказиш стандартларини тасдиқлаш” тўғрисидаги 82-сонли буйруғи. 2015 йил 04 апрел.
6. Бекназаров Ш.Ю., Лочинов Ф.Н. Йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида жароҳатланиш ва ўлимнинг суд-тиббий таҳлили //ТТА ахборотномаси. №7, 2024. 68-72 б.
7. Ғиёсов З.А. Суд тиббиёти //Тиббиёт олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. - Тошкент, “Global Books” нашриёти, 2018. 291-292 б.
8. Лочинов Ф.Н., Алимов О.Э. Назначение судебно-медицинских экспертиз при

расследовании авиационных происшествий //Вестник ТМА №3, 2021. С. 30-33.

9. Лочинов Ф.Н., Бобоназаров С.С. Тоғли ҳудудларда турли омиллар таъсирида юз берган ўлим ҳолатларининг суд-тиббий баҳолаш //ТТА ахборотномаси. №10, 2022. 141-144 б.

10. Лочинов Ф.Н., Бахриев И.И. Ишлаб чиқариш травматизмининг суд-тиббий аҳамияти //ТТА ахборотномаси. №10, 2022. 141-144 б.

11. Лочинов Ф.Н., Мирзахмедов Ж.М. Тан жароҳатини оғирлик даражаси аниқланмаган ҳолатларнинг суд-тиббий таҳлили //ТТА ахборотномаси. Махсус сони, 2023. 115-118 б.

12. Лочинов Ф.Н., Тожиқулов Р.А., Хайдаров Я.К. Йўл-транспорт ҳодисаларида ҳайдовчилар ўлимининг суд-тиббий таҳлили //Биология ва тиббиёт муаммолари. №5, 2024. 238-242 б.